

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

930 «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сон Фармониغا мувофиқ «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг самарали фаолиятини таъминлаш, ўзбек миллий мусиқа, академик, эстрада ижрочилиги ҳамда миллий рақс ва хореография ижрочилиқ санъатини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг марказий аппарати бошқарув ходимлари чекланган сони 25 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси тўғрисидаги устав 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирига, зарур ҳолларда, «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимизда концерт-томоша ва гастроль фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

концерт-томоша ва гастроль фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

ёш ва иқтидорли ижрочиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, бадий юксак мусиқа асарлари, қўшиқлар ва видеоклипларнинг яратишни таъминлаш ва рағбатлантириш;

миллий рақс ва хореография, опера санъати, ансамбль ва оркестрларнинг ўзбек миллий маданияти тараққиётидаги ўрнини янада ошириш, уларнинг гоёвий-бадий йўналишларини миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш;

мамлакатимиз ҳудудида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига ҳамда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашига ҳисобот беради;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан берилган концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар ва концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатномалар тегишли равишда ушбу лицензиялар ва рухсатномалар берилган муддатгача амал қилади ва қайта расмийлаштирилиши талаб этилмайди;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг марказий аппарати фаолияти Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бўлимларининг фаолияти концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси учун ўрнатилган алоқа воситаларини, шу жумладан Ҳукумат алоқа воситаларини «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ихтиёрида сақлаб қолсин.

5. «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг марказий аппарати Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига ҳамда Вазирлар

35 (795)-сон

— 119 —

930-модда

Маҳкамасининг Маданият, санъат ва туризмни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
678-сон


Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 678-сон қарорига
1-ИЛОВА

930-модда

— 120 —


35 (795)-сон

«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг марказий аппарати ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 678-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳри ҳудудий бўлимларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий сони 4 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 678-сон қарорига
3-ИЛОВА

**«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси тўғрисида
УСТАВ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси мамлакатимизда концерт-томоша фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, шу жумладан миллий эстрада, опера, миллий ракс ва хореография санъатини, оркестрларни, гастроль-концерт фаолиятини ташкил этиш, ривожлантириш ва мувофиқлаштиришга доир ташкилий-иждоий ишларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги давлат муассасаси ҳисобланади.

3. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашига ҳисобот беради.

5. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири, давлат тилида ўз номи туширилган муҳрга ва ўз бланкаларига, мустақил балансига, банк муассасаларида миллий ва хорижий валютада ҳисоб рақамига эга бўлади.

6. «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 2-уй, 100011.

2-боб. «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

мамлакатимизда концерт-томоша ва гастроль фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш;

концерт-томоша ва гастроль фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

ёш ва иқтидорли ижрочиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, бадий юксак мусиқа асарлари, қўшиқлар ва видеоклипларнинг яратишни таъминлаш ва рағбатлантириш;

миллий рақс ва хореография санъатининг, опера ва оркестрларнинг ўзбек миллий маданияти тараққиётидаги ўрнини янада ошириш, уларнинг ғоявий-бадий йўналишларини миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш;

мамлакатимиз ҳудудида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

8. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) мамлакатимизда концерт-томоша ва гастроль фаолияти борасида ягона давлат сиёсатини юритиш соҳасида:

эстрада, миллий рақс ва хореография санъатининг аҳоли кенг қатламларини, айниқса, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрнини оширади;

эстрада, миллий рақс ва хореография санъати, опера ва оркестр ижрочилиги орқали ёшлар қалби ва онгида миллий ўзликни англаш, юксак маънавий, инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларини шакллантиради, маънавий таҳдидлар, шу жумладан «оммавий маданият», радикализм ва диний экстремизм каби ғоявий таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни мустаҳкамлайди;

аҳолининг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, маданий эҳтиёжларни қондиришга, ёшларни юқори савиядаги миллий ва хорижий эстетик на-

муналар асосида тарбиялашга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирлар, концертлар ва гастролларни тизимли ташкил этади;

лицензиатлар томонидан муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини юритади ва бу борада ваколатли органлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

б) концерт-томоша ва гастроль фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш, концерт-томоша тадбирларига бир марталик рухсатномалар беради, шу жумладан лицензия талабгорларига Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи хулосалари асосида концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензиялар беради;

республикамиз санъат усталари ва ёш истеъдодларини мамлакатимиз ва хорижий давлатлар жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилади;

муסיқий санъат ривожини ва тарғиботига қаратилган реклама-тижорат ишларини ташкил этиш, самарали гастроль фаолиятини амалга оширади;

аҳоли ва ёшлар эҳтиёжларини ўрганган ҳолда умуминсоний кадриятларни тараннум этувчи жаҳон муסיқа ва рақс санъати намоёндаларининг гастроллари ҳамда кўшма концерт дастурларини белгиланган тартибда ташкил этади;

хорижий давлатларнинг соҳага оид ташкилотлари билан маданий, илмий-техник ва бошқа йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяди;

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи йиғилишларини мунтазам ўтказиб, лицензия талабгорлари томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг малака (профессионал) сифатларини баҳолаш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишини ташкил этади;

лицензиатлар томонидан лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши юзасидан назорат ўрнатади;

в) ёш ва иқтидорли ижрочиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, бадий юксак муסיқа асарлари, кўшиқлар ва видеоклипларнинг яратишни таъминлаш ва рағбатлантириш соҳасида:

миллий эстрада, рақс ва хореография, опера ва оркестр йўналишларида ёш истеъдодларни юзага чиқаришга доир лойиҳаларни амалга оширади;

истеъдодли ёшларнинг билим ва малакаларини оширишга доир турли тадбирлар, семинарлар ва маҳорат дарслари ташкил этади;

ёшларни миллий ва жаҳон муסיқий меросининг энг нодир намуналари билан таништириб боради, паст савияли, ёшлар дидини ўстиришга хизмат қилмайдиган маънисиз кўшиқлар яратилишининг олдини олади;

ёшлар ўртасида одоб-ахлоқ, сахна маданияти, устоз-шоғирд анъаналарини мустаҳкамлашга доир турли тадбирлар уюштиради;

г) миллий рақс ва хореография санъатининг, опера ва оркестрларнинг

Ўзбек миллий маданияти тараққиётидаги ўрнини янада ошириш, уларнинг гоёвий-бадий йўналишларини миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш соҳасида:

миллий рақс ва хореография санъати фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга доир танловлар, фестиваллар, семинарлар ва маҳорат дарсларини ўтказиши;

миллий рақс санъатининг ноёб меросини, шу жумладан миллий сахна либосларини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этиш юзасидан иш олиб боради;

миллий рақс ва хореография санъати бўйича илмий изланишларни рағбатлантиради, методик қўлланмалар, соҳага оид адабиётлар тайёрлайди ва чоп этади;

д) мамлакатимиз ҳудудида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

мамлакатимиз эстрада санъаткорларининг хорижий давлатларга гастроль сафарларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

юртимизда ўтказиладиган умумдавлат, жамоат тадбирлари ва бошқа байрамлар (Мустақиллик куни, «Наврўз» умумхалқ байрами, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Ватан ҳимоячилари куни ва бошқалар) ва фестивалларда белгиланган санъаткорлар иштирокини таъминлайди;

мамлакатимиздан ташқарида Ўзбекистон номидан ўтказиладиган концертлар, фестиваллар, маданият кунлари каби тадбирларни муносиб ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига яқиндан қўмақлашади;

тадбирларда иштирок этган ижодий жамоалар ва яккахон ижрочиларни, бастакор, сайқалчи, режиссёр, балетмейстер, сценарий муаллифи, шоир, бошловчи ва бошқа ижодкорларни ўз имконияти доирасида моддий қўллаб-қувватлайди.

3-боб. «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган миллий мумтоз, академик ижрочилик санъати, рақс ва хореография, эстрада соҳасидаги концерт-томоша фаолиятининг республика ва халқаро дастурлари асосида шоу-дастурлар, дам олиш кечалари, фестиваллар, кўриклар, танловлар, байрамлар ва бошқа шу каби тадбирларни ўтказиши;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг концерт-томоша фаолиятини лицензиялайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш учун бир марталик рухсатнома беради;

ижрочиларни, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож санъаткорларни, маданият ва санъат соҳаси фахрийларини, ёш истеъдодли ижрочиларни моддий ва молиявий қўллаб-қувватлайди;

маркетинг, менежмент, консалтинг, реклама соҳасида хизматлар кўрсатади;

давлат буюртмаси асосида янги концерт дастурлари яратади;

овоз ёзиш студиялари томонидан эстрада ва рақс ижодий жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси томонидан концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган лицензиянинг талаб этилишини назорат қилади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиясиз ушбу фаолият билан шуғулланаётганлиги аниқланган тақдирда тегишли чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига таклиф киритади;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларидан ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олади;

лицензиатлар томонидан муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолатлар аниқланган тақдирда тегишли чоралар кўриш учун ваколатли органларга таклиф киритади;

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияга эга бўлмаган эстрада ва рақс ижодий жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг ижросидаги қўшиқлар ва уларга ишланган мусикий клипларни давлат ва нодавлат телерадиоканаллари орқали узатилишининг олдини олиш чораларини кўради;

давлат ва нодавлат телерадиоканаллари эфирларида узатилаётган ва намойиш этилаётган бадий-ғоявий савияси паст, ёшларнинг дидини тарбиялашга хизмат қилмайдиган қўшиқ ва видеоклиплар намойиш этилишининг олдини олиш мақсадида телерадиокомпаниялар билан ҳамкорлик қилади ва уларни тўхтатиш борасида таклифлар киритади.

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси қуйидагиларга масъулдир:

концерт-томоша ҳамда маданий-оммавий тадбирларнинг ўтказилишини мувофиқлаштириш, улар юзасидан самарали мониторингни амалга ошириш;

концерт-томоша тадбирларига бир марталик рухсатнома беришда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия ва концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома талаблари ва шартларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

лицензиатлар ва концерт-томоша тадбирларининг ташкилотчилари томонидан қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш;

республика ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар томонидан концерт заллари, стадионлар, клублар, дискотекалар, ресторанлар, кафе-барларда концерт хизмати кўрсатаётган хонандалар, созандалар, овоз операторлари, диджэйлар, бошловчилар ва раққосаларнинг лицензиясиз фаолият юритишларини олдини олиш бўйича рейд-текширув ишларини амалга ошириш;

концерт-томоша тадбирларини юқори савияда ташкил этишда концерт ташкилотчиларига кўмаклашиш ҳамда миллий менталитетимизга мос бўлмаган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, бадий-ғоявий савияси паст концерт дастурларини ташкил этилиши ва намойиш қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

таниқли хонандаларни, ёш ва иқтидорли ижрочиларни қўллаб-қувватлаш, бадий юксак мусиқа асарлари, кўшиқлар ва видеоклипларнинг яратишни таъминлаш ва рағбатлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

концерт-томоша фаолиятини лицензиялашда мезонларга ва лицензия талабгорларига қўйиладиган малака талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

11. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш

12. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси фаолиятига директор раҳбарлик қилади.

13. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Директорнинг «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси директори тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади.

14. Директор:

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда «Ўзбекконцерт» давлат муассасасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, ҳудудий бўлимлар бошлиқларининг ваколатларини белгилайди;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси марказий аппарати ва ҳудудий бўлимлари штат жадвалларини ҳамда харажатлар сметаси лойиҳаларини тузилишини ва уларни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасдиғига киритилишини ташкил этади;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг марказий аппарати бўлимлари ва ҳудудий бўлимлар тўғрисидаги уставларни тасдиқлайди;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимлари ходимларини рағбатлантириш ва уларга интизомий жазо бериш масалаларини ҳал қилади, алоҳида ўрнатилган ҳудудий бўлимларни Ўзбекистон

тон Республикаси фахрий унвонлари беришга ва давлат мукофотларига тақдим этади;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг марказий аппарати ходимларини ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳудудий бўлимлар бошлиқларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15. «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бўлимлари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирининг, вилоятлар Маданият бошқармалари бошлиқларининг ва Тошкент шаҳри Маданият бош бошқармаси бошлиқининг тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишган ҳолда «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси фаолиятини молиялаштириш тартиби

16. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси фаолияти қўйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари;

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун ҳамда концерт-томоша тадбирларига бир марталик рухсатномалар бериш учун йиғимлар;

тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг штатлар жадвали ва харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан, «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бўлимлари штатлар жадвали ва харажатлар сметаси эса «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси томонидан тасдиқланади.

18. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ҳар ойнинг якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасигача Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармасидан молиялаштирилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан ушбу Жамғармага ҳисобот беради.

6-боб. Яқунловчи қоида

19. Ушбу Устав талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 августдаги 678-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада кўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» 2001 йил 26 июндаги 272-сон қарорига:

а) 2-банднинг еттинчи хатбошидаги «ва спорт ишлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3, 4, 5, 7 — 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши Низомида кўзда тутилган дастурий вазифаларни амалга оширади, юридик ва жисмоний шахслар, ижодий жамоалар, гуруҳлар, яққохон ижрочилардан концерт-томоша фаолияти билан шуғулланишга махсус рухсатнома (лицензия) олиш учун тушган аризаларни кўриб чиқиб, муҳокама қилади, санъаткорларнинг ижодий нуфузи, маҳорати, профессионал малакаси, репертуар савиясига қараб, уларга хулоса беради. Мазкур гуруҳ хулосаси «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси томонидан лицензиялар берилиши учун асос ҳисобланади.»;

г) 2-иловада:

2.10-банддаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

4.1-банддаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг бош директори лавозимига тайинлаш учун Вазирлар Маҳкамасига номзод тавсия этади» сўзлари чиқариб ташлансин;

4.2-банддаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директорининг» сўзлари «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси директорининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

5.1, 5.2 ва 5.3-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5.1. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси Кенгашнинг ишчи органи, Ижодий кўмаклашувчи гуруҳ унинг маслаҳат органи ҳисобланади.

5.2. Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи жамоатчилик асосида фаолият юритади.

5.3. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси директори ва Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи раҳбари Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланади.»;

5.4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5.5-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5.5. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ўз фаолияти бўйича йилнинг ҳар чорагида бир марта Кенгаш олдида ҳисобот беради.»;

д) 3, 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 9 августдаги 169-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Нихол» мукофоти тўғрисидаги низомда:

а) 7, 9, 10 ва 18-бандлардаги «маданият ва спорт ишлари» сўзлари «маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Қорақалпоғистон Республикаси вилоят ва Тошкент шаҳри комиссияларининг фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги вилоят ҳамда Тошкент шаҳри маданият бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилади, унинг таркиби жойлардаги етук маданият ва санъат соҳаси мутахассислари ҳамда таниқли санъаткорлар, «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг ҳудудий бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари вакилларида иборат бўлади.

Комиссия таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасдиқланади.».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда хизмат енгил автомобилларидан фойдаланишни янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорининг рус тилидаги матни 2-илоvasи 47-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	47. Государственное учреждение «Узбекконцерт»	12	11	2	9	-	1	8	
	Центральный аппарат	3	3	1	2	-	-	-	
	Областные звенья	9	8	1	7	-	1	11	».